

ФОРМАЛ ТИЛШУНОСЛИКДА СЎЗЛАР БИРИКУВИ

МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Жавлон Ёрматович ИБРАГИМОВ

ўқитувчи

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Абдулла Орипов ижод мактаби

Қарши, Ўзбекистон

boburdusyorov@gmail.com

Аннотация

Мақолада ўзбек формал тилшунослигига сўзлар бирикуви масаласининг ўрганилиши ва ундаги муаммолар таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: бирикма, teng алоқа, тобе алоқа, гап, тартиб, оҳанг, морфологик восита.

ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМ СЛОВОСОЧЕТАНИЙ В ФОРМАЛЬНОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Жавлон Ёрматович ИБРАГИМОВ

преподователь

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Творческая школа имени Абдуллы Арипова

Қарши, Узбекистан

boburdusyorov@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется изучение словосочетаний в узбекском формальном языкознании и его проблемы.

Ключевые слова: словосочетания, равнозначное, подчиненная связь, предложение, порядок, интонация, морфологическое средство.

Ҳозирги даврда ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари мавжуд. Жумладан, синтаксис, ундан ўрин олган сўзлар бирикуви, бирикув натижасида ҳосил бўладиган сўз қўшилмаси, сўз бирикмаси, ибора ва гап кабилар етарлича тадқиқ қилинган. Сўзлар бирикуви тилшуносликка формал ёндашувда А.Ғуломов, М.Асқарова, А.Нурмонов каби етакчи олимларимиз томонидан тадқиқ қилинди.

Масалан, 1987 йилда нашр этилган А.Ғуломов ва М.Асқаровалар муаллифлигидаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис” китобида сўзлар бирикувининг асосий ҳосиласи сифатида гап қаралади. “Сўзларнинг ўзаро алоқага киришувидан сўз қўшилмаси ҳосил бўлади. Булар икки хил: 1) гап (япроқлар кўм-кўқ); 2) сўз бирикмаси (кўм-кўқ япроқлар). Тилнинг асосий

функцияси — жамиятда алоқа, информация — ахборот воситаси бўлиш. Фикр ифодалаш вазифасини гап бажаради. Сўз бирикмаси эса фикр ифода этмайди. Демак, синтаксиснинг бош бирлиги гап бўлиб, сўз бирикмаси гапнинг составига кирадиган компонент — ёрдамчи бирликдир. Синтаксиснинг маркази гап ҳақидаги таълимотдир” [6; 7-8].

Синтактик қурилмалар уни ҳосил қилувчи аъзолар сонига кўра уч турга бўлинган: 1) бир сўзли; 2) икки сўзли; 3) кўп сўзли [1; 8]. Бир сўзли синтактик қурилмалар, кўпинча, битта мустақил маъноли сўз билан ифодаланади ва сўз-гап ёки биргина сўздан иборат тўлиқсиз гаплар сифатида талқин қилинади. “Икки сўзли синтактик конструкция ё содда сўз бирикмасидан (*Лолаҳоннинг китоби*), ёки содда йиғиқ гапдан (*Лолаҳон келди*) ташкил топади!” [1; 9]. Шу ўринда икки сўзли синтактик қурилмалар сирасига нафақат содда йиғиқ гаплар, балки содда ёйиқ гап (*буғун бораман*), кўшма гап (*кулсанг – ютқазасан*) типидаги кабилар ҳам кириши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Кўп сўзли синтактик қурилмалар эса мураккаб сўз бирикмаси (*осмонда учаётган қуши*), содда гап (*буғун ҳикояни якунламоқ*), кўшма гап (*кўп ўқиган кўп билади*)дан иборат бўлиши мумкин.

Сўз қўшилмалари, сўз бирикмалари ва гаплар ҳосил бўлиши учун сўзлар ўзаро муайян воситалар билан бирикади. Бу воситалар тилнинг бошқа сатҳларида ўрганилиши орқали синтаксиснинг морфология в лексикология билан зич боғлиқ эканлиги асосланган. “...сўз қўшилмаси ҳосил қилиш учун маълум формадаги сўзлар ва уларни бир-бири билан боғловчи воситалар зарур. Англашиладики, синтаксис лексика билан морфологияга таянади. Бундай боғланиш айниқса синтаксис билан морфологиянинг муносабатида жуда аниқ сезилади: сўз қўшилмаси тузишда сўзларни бир-бирига боғлаш вазифасини келишик аффикси, шахс-сон кўрсаткичлари бажаради. Демак, булар морфологик ҳодисалар бўлишига қарамай, функцияси синтактиқдир” [6; 8]. Бундай бирикувларнинг ҳосил бўлишида бирикмани ҳосил қилувчи унсурлар ўзаро маъно ва грамматик жиҳатдан мос бўлиши кераклиги таъкидланар экан бу муайян бир сўз туркумларнинг боғлиқлиги, ўзаро

нисбатан кўпроқ бирикма ҳосил қилиши орқали асосланган. Синтактик бутунлик ҳосил қилишда материал сифатида сўзлар иштирок қиласди. Сўзларнинг бир-бири билан қўшилиб бирикма ҳосил қилиши учун дастлаб уларнинг семантик-грамматик томонлари бир-бирига мос келиши шарт, яъни сўзларнинг ўз қўшилиш имкониятлари бор. Масалан, сифат от билан бирика олади (*ақлли бола*: шахс ва унинг белгиси), от феъл билан бирика олади (*чол насиҳат қилди*: шахс ва унинг ҳаракати) ва бошқалар. Бундай мос келишлик бўлмаганлиги учун, масалан, сифат билан сон бирика олмайди. Албатта, бу тилшуносликда кўп қиррали тушунча хисобланадиган валентлик ҳақидаги фикрлардир.

Формал ёндашув вакиллари синтактик алоқанинг турлари ҳақида фикр юритар экан унсурларнинг муносабатига кўра тенг ва тобе турга бўлиниши, тенг алоқа натижасида сўз тизмаси, тобе алоқа натижасида гап ва сўз бирикмаси ҳосил бўлади, деган холосага келадилар. Лекин баъзи олимларда тенг муносабатдаги қисмлардан тузилган сўз бирикмалари ҳам мавжудлиги ҳақидаги фикрлар йўқ эмас. “Сўз бирикмасини бу тарзда тушуниш масаланинг фактат бир томони билангина боғлиқ кўринади. Негаки, компонентларининг тенглик асосида муносабатга киришувидан ташкил топувчи сўз бирикмалари ҳам мавжуд эканлиги бугунги тилшуносликда тўлиқ эътироф этилмоқда” [3; 11-12]. Бунда олим “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси”да А.Аҳмедовнинг фикрларига таянади. “Шундай қилиб, гап билан сўз бирикмаси ўзаро предикатив ва нопредикатив бирликлар сифатида фарқ қиласди. Сўз бирикмаси кам деганда, икки мустақил сўзнинг нопредикатив бирикувидан ҳосил бўладиган синтактик бирлиkdir. Сўз бирикмасига фактат тобе алоқа асосида ҳосил бўлган бутунниклар эмас, шу билан бирга, тенг алоқа асосида ҳосил бўлган конструкциялар ҳам киради” [2;17]. Фикримизча, тенг хуқуқли қисмлардан тузилган бирикувларнинг сўз бирикмаси деб номланиши оммалашмади ва ўз илмий тасдиғини топмади. Аксинча, дарслик ва қўлланмаларда тобе алоқа натижасида ҳосил бўлган нопредикатив (предикатив бирикмалар гап

сифатида талқин қилинади) бирикмалар сўз бирикмаси сифатида қайд этилди.

Синтактик қурилмани ҳосил қилаётган унсурлар бажараётган синтактик вазифасига қараб формал тилшунослик вакиллари томонидан синтактик алоқа предикатив ва предикатив бўлмаган; предикатив бўлмаган алоқанинг ўзи яна аниқловчили, тўлдирувчили, ҳолли каби турларга ажратилади. Бирикмаларнинг аниқловчили, тўлдирувчили ва ҳолли каби турларга ажратилиши тобе сўзнинг синтактик вазифасига нисбатан белгиланади. Аслида сўзнинг синтактик вазифаси гап таркибида намоён бўлади (шу сабабли ҳам гап бўлаги жумласи билан ҳам мавжуд). Бирикманинг гап таркибига яхлит киришини ҳисобга олган ҳолда аниқловчили, тўлдирувчили ва ҳолли каби бирикмаларни ажратиш мумкин бўлади.

Бирикмани ҳосил қилувчи унсурлар бир-бири билан ҳар хил тарзда боғланади, яъни синтактик алоқа турли воситалар билан ифодаланади. Сўзлар орасидаги алоқанинг турли воситалар билан ифодаланиши бирикмани ҳосил қилувчи унсурларнинг туркуми, уларнинг лексик-грамматик хусусиятлари, бошқача айтганда, валентлигига ҳам боғлиқ, албатта. Формал ёндашув вакиллари синтактик алоқа сўз бирикмаларини ҳосил қилувчи унсурлар орасида ҳам, гап бўлаклари орасида ҳам ва ҳатто, қўшма гапни ҳосил қилувчи содда гаплар орасида ҳам мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Сўзларнинг бирикувини нутқий ҳодиса сифатида баҳолаб, синтактик алоқани ифодаловчи воситалар сифатида 1) сўз шакллари; 2) ёрдамчи сўзлар; 3) сўз тартиби ва 4) оҳангни ажратадилар. “Синтактик алоқа воситаларининг кўринишлари қуйидагича: формал-грамматик воситалар, лексик-грамматик воситалар, позицион воситалар ва интонацион воситалар” [6; 15]. Синтактик алоқани ифодаловчи бу воситалар нафақат сўз бирикмаси ва гапларни, балки сўз тизмаларини (*китоб ва дафтар* типидаги teng алоқа натижасида ҳосил бўлган бирикувларни) ҳам ҳосил қиласи.

Сўз шакллари дейилганда бирикмани ҳосил қилувчи унсурларнинг алоқа-муносабат шакллари (эгалик, келишик, шахс-сон шакллари кабилар) билан ўзгариши тушунилади. “Ўзбек тилида сўз бир грамматик кўрсаткичли ёки бирдан ортиқ грамматик кўрсаткичли формада бўлиши мумкин. Қиёсланг: *китоб* – бош келишик, бирлик формаси; *китоблар* – бош келишик, кўплик формаси; *китобларим* – бош келишик, кўплик, биринчи шахс эгалик формаси; *китобларимни* – биринчи шахс кўплик, тушум келишиги формаси” [4; 207]. Албатта, бу ўринда фақат сўзни бошқа сўзга боғловчи воситалар эмас, балки умуман грамматик шакллар тавсифланган. Маълум бир сўзда уни фақат ҳоким (*китобни* сўзидағи тушум келишиги), фақат тобе (*китобим* сўзидағи эгалик шакли) ёки ҳам ҳоким, ҳам тобе сўзларга (*китобимни* сўзидағи эгалик ва келишик шакллари) боғловчи грамматик шакллар қўлланиши мумкин. Тобе алоқанинг мослашув ва бошқарув каби турлари сўзнинг грамматик шакллар ёрдамида ўзгариши натижасидаги бирикувларда кузатилади.

Синтактик алоқани ифодалашда ёрдамчилардан боғловчи ва кўмакчилар восита сифатида иштирок этиши мумкин. Бунда кўмакчилар сўз бирикмасидаги тобе сўзни ҳоким сўзга боғлашда хизмат қилса (масалан, муваффақият учун курашмоқ), боғловчилар сўз тизмаларидағи грамматик жиҳатдан teng сўзларни (масалан, *сабаб ва оқибат*), боғланган ва эргашган кўшма гап қисмларини (масалан, *Рухсат берилди ва ўз нутқини бошлиди* – боғланган қўшма гап, *Эртага совуқ бўлса, индинга бораман* – эргашган қўшма гап) боғловчи восита бўлиб кела олади.

Сўзнинг тартиби, унинг ўзгариши ҳокимлик ва тобеликни кўрсатиб турувчи қўшимчалар аксарият ҳолларда қўлланадиган ўзбек тилида бирикмани ҳосил қилувчи унсурларнинг грамматик мақомига деярли таъсир қилмайди. Тартибнинг ўзгариши, асосан, мантикий ургу ва кўтаринкилигни таъминлаш мақсадида поэтик талаб билан содир бўлади. Баъзи ҳоллардагина жонли сўзлашувда тингловчининг нутқ давомида бирор нарса ёки воқеани унутиши ва зудлик билан нутққа олиб кириши зарур бўлганда тартиб

ўзгаришини кузатиш мумкин (масалан, *Биз ҳам борғанмиз, мактабга*). Лекин ҳоким-тобеликни кўрсатувчи қўшимчалар мавжуд бўлмаган ҳолларда сўз тартибининг грамматик восита сифатидаги аҳамияти ошади. Сифатловчи-сифатланмиш муносабатида бу яққол кўзга ташланади. Масалан, *Иссиқ ҳаво ва Ҳаво – иссиқ* бирикувларида мазмун ўзгармаган бўлса ҳам, грамматик мақом, муносабат фарқли. Биринчи бирикув сўз бирикмаси сифатида қаралса, иккинчи бирикув гап сифатида баҳоланади. Ҳоким-тобелик мақоми ҳам, албатта, ўзгарган. Демак, сўз тартиби синтактик алоқани ифодаловчи восита сифатида ҳоким-тобеликни кўрсатувчи қўшимчалар мавжуд бўлмаганда, аксарият ҳолларда битишув алоқасида аҳамиятли бўлади. Ўзбек тилида ўзаро бирикканда битишув алоқасини ҳосил қилувчи туркумлар ҳам тадқиқ қилинган. “Ўзбек гилида бигишувлари бирикмалар қўйидаги сўз туркумлари билан тузилади: 1. Равиш-феъл: Докладчи секин гапирди. 2. Равишлош+феъл: кулиб сўзлади. 3. Сифатдош- феъл: ўқиган ўқитди. 4. Тақлидий сўз+феъл: пиқ-пиқ йиглади. 5. Сифат (олмош, равиш, сон каби)+от: кенг дала, бешта ўкувчи, янги бино, бу бола, уч баҳодир” [5; 13].

Оҳанг ҳам турли синтактик алоқаларни, грамматик-фикрий ҳолатни иодаловчи воситалардан биридир. “У нутқдаги бўлакларнинг бир бутун, яхлит ҳолатини кўрсатади, гапнинг мазмун, грамматик тугаллигини, гапдаги сўзларнинг, бирикмаларнинг, айрим гапларнинг турли муносабатларини ифодалайди, гапнинг мазмунидаги ҳар хил ҳолатларни, гапнинг турини, унинг қандай қисмларга бўлинишини, ундаги айрим бўлакларнинг ажратилганлигини билдиради” [6;17-18]. Оҳанг орқали сўзларнинг гурухланиши, бу гурухланишнинг гап мазмунига таъсир қилишини таъкидлаб ўтиш зарур. “Масалан, 1. Қалин муқовали / китоб (муқоваси қалин) — қалин / муқовали китоб (китоб қалин). 2. Учта болали аёл (бола учта) — учта / болали аёл (аёл учта)” [6; 18]. Оҳанг нафақат сўз бирикмаси мазмунини, балки гаплар мазмунини, улар орасидаги муносабатни, ифода мақсадига кўра турини ҳам ўзгартириши мумкинлиги исбот талаб қилмайди.

Юқорида санаб ўтилган синтактик алоқани кўрсатувчи воситаларнинг (сўз шакллари, ёрдамчилар, сўз тартиби, оҳанг) бир нечтасини битта бирикувда кузатиш мумкин. Масалан, *уйга томон кетмоқ, ерга қараб гапирмоқ* каби бирикувларда ҳам келишик, ҳам кўмакчиларни синтактик алоқани таъминловчи восита сифатида кўриш мумкин. Ёки бир синтактик муносабат турли йўллар билан ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан, синтактик жиҳатдан бир хил бўлган бўлакларнинг муносабати санаш оҳангни билан ифодаланганидек, боғловчи воситасида ҳам ифодаланиши мумкин (*китоб, дафтар — китоб ва дафтар*); восита маъносини англатган бошқарув муносабати келишик формаси билан ифодалана олганидек, кўмакчи ёрдами билан ҳам ифодалана олади (*телефонда гаплашмоқ — телефон орқали гаплашмоқ*); сабаб, аташ каби маъноларнинг ифодаланиши ҳам шундай (*Фарҳод шу доридан даво топди.— Фарҳод шу дори сабабли даво топди. Чол ўйинчоқни неварасига олди. — Чол ўйинчоқни невараси учун олди*). Кўшма гапда сабаб муносабати интонациянинг ўзи билан ҳам, боғловчи билан ҳам ифодаланади (*Баҳодир кўп югурга олмади: бир оз тоби қочган эди.— Баҳодир кўп югурга олмади, чунки бир оз тоби қочган эди*).

Хуллас, формал тилшуносликда сўзлар бирикуви нутқий томондан чуқур таҳлил қилинган ва бунга доир жиддий тадқиқотлар бажарилган эди. Сустанциал тилшунослик олдида сўзлар бирикувига доир ана шу тўпланган натижаларни тизимлаштириш, умумлаштириш, яъни лисоний моҳиятини аниқлаш вазифаси тураган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураҳмонов F, Сулаймонов А, Холиёров X, Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 208 б.
2. Нурмонов А., Н.Маҳмудов., С.Солихўжаева., Ахмедов А. Синтактик бирликлар таркиби. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 235 б.
- 3.

4. Шодиев С.Э., Турғун сўз бирикмаларининг синтактик диревацияси, филол.фан.б.фал.док (PhD) дисс. – Самарқанд: СамДУ, 2020. – 124 б.
5. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 440 б.
6. Ўринбоев Б., Ҳозирги ўзбек адабий тили: ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ, 2001. – 172 б.
7. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 256 б.